

Қорақалпоғистон Республикаси
статистика бошқармасининг
2020-йил 7 декабрдаги
120-Ө-сон буйруғига 19-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси
Кадрлар бўлими тўғрисидаги
Низом**

1. Умумий қоидалар

1.1. Кадрлар бўлими Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлиғи раҳбарлигида фаолият кўрсатиб, касаба уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

1.2. Кадрлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, бошқарма буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда иш тутади.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонунчилигига асосан статистика бошқармасида меҳнат интизоми-ички меҳнат тартиби қоидаларини ишлаб чиқиш ва бошқарма бошлиғи, касаба уюшмаси билан биргаликда тасдиқлаб, унинг юқори сифатини таъминлаш, иш вақтидан унумли фойдаланиш тартибини жорий этади.

1.4. Бошқарманинг жамоа шартномасига, ички меҳнат интизомига қатъий риоя қилган, вижданан ишлаган ходимларни рағбатлантириш, умумий тартибни бузган ходимларга нисбатан жазо чораларини қўллаш усуллари ёрдамида бир маромли ишлаш учун зарур ташкилий ва иқтисодий шароитлар яратиш тўғрисида бошқарма раҳбариятига таклифлар киритади.

2. Бўлимнинг асосий вазифалари

2.1. Кадрлар бўлимининг асосий фаолияти қўйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

-Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси талаби асосида иш юритиш;

-Бошқарма тизимидағи статистика органлари кадрлар малакасини изчил асосида оширишни ва уларни қайта тайёрлашни таъминлаш;

-ўқув режасига асосан бошқарма, шаҳар ва туман статистика бўлим ходимларини Давлат статистика қўмитасини кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари институтида ўқув малакасини оширишни таъминлайди;

3. Бўлимнинг асосий функциялари

3.1. Кадрлар бўлимнинг ўз зиммасига юкланган вазифаларига мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

-Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди;

-давлат статистика принципларига риоя этилишини таъминлайди;

-миллий қонун хужжатларига ва мавжуд ҳалқаро стандартларга ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг маҳфийлигини таъминлайди;

- кадрларга оид хужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишида белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

4. Бўлимнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Бўлим қуидаги хуқуқларга эга:

- янги ишга келаётган ходимларга статистика ахборотлари ва статистика маълумотларининг нотўғри фойдаланиши ва талқин қилиниши ҳолларини тушунтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Мехнат Конунига амал қилмаган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш таклифларини киритади.

- Бошқарма тизимида янгидан ишга қабул қилинган ёки тайинланган ходимлар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириш ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш бошқарма ҳамда туман, шаҳар бўлимлари ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги, шунингдек хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ва бунга амал қилиш шарт эканлигини тушунтириш бўйича масъулдир.

4.2. Бўлим ўзига тегишли вазифаларини амалга оширишида статистика соҳасида амалдаги қонунчиликда белгиланган ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

4.3. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига кўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

4.4. Бўлимга берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан масъулдир.

5. Бўлимнинг ташкилий ва функционал структураси

5.1. Бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

5.2. Бўлимни мазкур Низом асосида бўлим бошлиғи бошқаради.

5.3. Бўлим бошлиғи эгаллаб турган лавозимга бошқарма бошлиғи томонидан қўйилади ва бўштилади.

5.4. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

5.5. Бўлим штатлари сони ва иш ҳақи миқдори Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.